

№ S/4 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTALARINING O'RNI	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	79-90
<i>Абдуллајсанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН	96-102

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI	217-222

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ 223-229

Agzamova Nargiza Gapurovna
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN 230-237

Муродова Дилноза Чориевна
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ 238-245

Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING
FUNKSIYALARI 246-250

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ
ҮРНИ 251-259

Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI
TAKOMILLASHTIRISH 260-265

Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING
MUSHTARAKLIGI 266-271

Khamdamova Sitora Safarovna
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA
XOSLIGI 272-277

Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО
ЧЕЛОВЕКА 278-283

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Xasanov Akbarjon Abdurashidovich
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK
BIRLIKLER BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR 284-292

Qurbanova Muharram Jurabekovna
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI 293-297

Сафарова Замира Рустамовна
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК
ТАСНИФИ 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI	343-348
-------------------------------------	---	---------

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	363-372
--	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ"	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	393-399
----------------------------------	---	---------

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ	410-415
-------------------------------------	---	---------

Xaydarova Iroda Nizomiddinovna

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

Шукрова Нафиса Алишеровна

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ 422-427

Nigmanov Bori Botirovich

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING
AHAMIYATI 428-433

Муродова Дурдона Раимжон қизи

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯСИ 434-438

Axmedov Alisher Nosir o'g'li

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI 439-447

Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI 448-452

Mansurbekova Feruza Gayratovna

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 453-456

Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI 457-465

Atamuratova Munira

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL
METODLAR TAVSIFI 466-471

Нурилло Эминов

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА
БИР НАЗАР 472-476

12.00.00 – Юридик фанлар

Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси
E-mail: sarvarbekmuhammadiyev@gmail.com

**“ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ
УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ”**

Аннотация. Сўнгги йилларда жиноят процессида рақамлаштириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жиноят ишини юритиш босқичида жиноят натижасида етказилган зарар ундируви муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнга рақамлаштириш имкониятларини жорий этиш орқали ҳуқуқий тартибга солишининг шаффоф, инсон омилини истисно этувчи, қонун бузилишларни олдини олиш хусусиятига эга бўлган механизmlарни жорий этиш имконияти мавжуд.

Калит сўзлар: зарар, технология, рақамлаштириш, Ягона ахборот тизими, электрон ҳамкорлик, интеграция.

Муҳаммадиев Сарвар Асқар угли
Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: sarvarbekmuhammadiyev@gmail.com

**“ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВИЗАЦИЯ В ПРОЦЕССЕ
ВОЗМЕЩЕНИЯ ВРЕДА, ПРИЧЕНЕННОГО ПРЕСТУПЛЕНИЕМ”**

Аннотация. За последние годы реализован ряд реформ в сфере цифровизации уголовного судопроизводства. Важное значение на стадии уголовного судопроизводства имеет взыскание вреда, причиненного преступлением. Возможности оцифровки для этого процесса за счет введения прозрачного правового регулирования, исключающего человеческий фактор, возможно введение механизмов, препятствующих нарушениям закона.

Ключевые слова: вред, технология, цифровизация, Единая информационная система, электронное сотрудничество, интеграция.

Muhammadiev Sarvar Askar ugli
Independent Applicant Tashkent State Law University
E-mail: sarvarbekmuhammadiyev@gmail.com

**“ISSUES OF THE EFFICIENT USE OF DIGITALIZATION IN THE PROCESS OF
COMPENSATION FOR THE HARM CAUSED BY A CRIME”**

Abstract. In recent years, a number of reforms have been implemented in the field of digitalization of criminal justice. Recovery of harm caused by a crime is of great importance at the stage of criminal proceedings. Opportunities for digitization for this process through the introduction of transparent legal regulation that excludes the human factor, it is possible to introduce mechanisms that prevent violations of the law.

Keywords: harm, technology, digitalization, Unified information system, electronic cooperation, integration.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N48>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг **моҳияти** ва **мазмунини** белгилайди [1].

Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасига кўра, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва хукм қилинмаслиги учун айбордларни фош этишдан ҳамда **қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан** иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартиби **қонунийликни мустаҳкамлашга**, жиноятларнинг олдини олишга, **шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга** ёрдам қилмоғи лозим [3].

Юқорида қайд этилган устувор нормалар жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ўзида акс эттириб мазкур жараёнда турли усулларни, жумладан, ҳаётимизга тобора кириб бораётган рақамлаштиришни жорий этиш орқали қонунийликни таъминлаш имкониятларини янада мустаҳкамлашни тақозо қиласди.

Рақамлаштириш – бу ҳаётнинг турли соҳаларига рақамли технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Рақамлаштириш орқали меҳнат фаолиятининг инсон омилини истисно этувчи кўринишлари юзага келади ёки инсон фаолият маҳсулини шакллантириш жараёни тезлашади, шаффоф механизmlарни юзага келади, қонун бузилиши ҳолатларининг олди олинади.

Бугунги кунда, мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад - вақт сарфини тежаш, инсон омилини камайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятида шаффоф, қулай ва тезкор механизmlарни жорий этиш орқали **фуқароларнинг ҳалқпарвар давлат сиёсатига бўлган ишончини оширишга қаратилмоқда**.

Бу муҳим ислоҳотлар ҳаётимизнинг барча жабҳалари сингари, **жиноят процессида** ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, қонунчилиқда шахс ҳуқуқларини чеклашни, шунингдек, жиноятларни иссиқ изида фош этиш бўйича қатор вазифаларни акс эттирувчи нормалар назарда тутилган бир шароитда, бу жараёнда рақамлаштиришнинг ўрни сув ва ҳаводек зарур бўлиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3723-сонли қарори билан Ўзбекистонда электрон жиноят ишини юритишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича муҳим қадамлар ташланди [5].

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси тасдиқланган бўлиб, унда жиноят ишини юритиш жараёни, шу жумладан, жиноят иши бўйича **электрон иш юритишида тартиб-таомилларни қисқартириш** ва ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш орқали қонунчилик нормаларини оптималлаштириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “Ишни судга қадар юритишида ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарори қабул қилиниб, жиноят процессини юритишида идоралараро ҳамкорликни амалга оширишда қуйидагиларни назарда тутувчи **“Электрон суриштирув ва дастлабки тергов”** ягона ахборот тизимининг жорий этилиши белгиланди:

ишни судга қадар юритиши босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиши ва жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотларга ўртасида **тезкор ахборот алмашиш**;

суриштирувчи ва терговчиларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга **электрон ҳужжат кўринишида юбориш**, шунингдек, уларга **жавобларни мазкур тарзда қабул қилиш**;

жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айланувчининг **мол-мулкини хатлаш**, шунингдек, қидирув эълон қилинган айланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган **чеклов чораларини** ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда **ўз вақтида амалга ошириш** [6].

Асосий мақсад эса, қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиши услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, жумладан “Электрон жиноят иши” тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларгача жиноят иши доирасида суриштирув, тергов ва суд органларининг ваколатли ташкилотлар билан **идоралараро ҳамкорлигини самарали йўлга қўйилган** деб бўлмасди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарорида ҳам суд-тергов фаолиятига замонавий

ахборот-коммуникация технология-ларини жорий қилиш аҳволи жуда паст даражада эканлиги танқид остига олинган эди [5].

Давлат раҳбари бошчилигига рақамлаштириш соҳасига бағишилаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида рақамлаштириш билан шуғул-ланмасдан ривожланиш мумкин эмаслиги, барча даражадаги раҳбарлар ҳафта давомида 2-3 кун рақамлаштириш билан машғул бўлиши лозимлиги ҳақида топшириқлар берилди [12].

Таъкидлаш жоизки, жиноят ишларини юритишни рақамлаштириш борасида сўнгги йилларда мавжуд эҳтиёж ва технология имкониятларидан келиб чиқиб бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, процессуал қарорларни электрон ҳисобга олиш, эҳтиёт чораларини қўллашда муддатларни автоматик ҳисобга олиш, масофадан туриб видеоконференц-алоқа режимида сўроқ қилиш, юзлаштириш ва бошқа шу каби янгиликлар амалдаги жиноят-процессуал иш юритувини рақамлаштириш орқали соддалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эндилиқда, мавжуд имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда, бу жараённи янада такомиллаштириш орқали фуқаролар ва давлат органлари учун **қулай ҳуқуқий механизмларни яратиш бўйича изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ**.

Шу асосда, изланиш ўтказиладиган йўналишлардан бири сифатида жиноят иши терговида муҳим аҳамиятга эга бўлган **жиноят бўйича етказилган зарар ундирувини реал таъминлаш** масаласига оид муаммоларни таҳлил қилишни лозим деб топдик.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 9-моддасида назарда тутилган айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таг замирида шахсга нисбатан жиной жазо қўллаш билан бирга, шахс, корхона, муассаса ёки ташкилотга етказилган зарарнинг ҳақиқатда ундирилиши ҳам ётади [2].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарорининг 1-бандида жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, давлатнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, 3-бандида ЖПКнинг 82-моддасига мувофиқ суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири жиноят натижасида етказилган зарар хусусияти ва миқдори ҳисобланиши, чунки етказилган зарар тури ва миқдорини аниқлаш нафақат уни қоплаш масаласини ҳал этиш, балки жиноятни квалификация қилиш учун ҳам аҳамиятли эканлиги таъкидланган [7].

Махачкалин инновацион университети юриспруденция кафедраси ўқитувчиси А.И.Ибрагимова ўзининг “Жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш жараёнининг хусусиятлари” мавзусида олиб борган тадқиқот ишида жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш нафақат хусусий-фуқаролик муносабати билан боғлиқлиги, балки ижтимоий масала ҳам эканлигини, тергов ва суд давомида жабрланувчига етказилган зарар қопланиши билан бирга, ҳуқуқ-тартибот қоидаларининг тикланишига ҳам эришилишини таъкидлаб ўтади [8].

Айрим тадқиқотчилар (А.А.Данилев, О.В.Петрова) заарар ундирувни ихтиёрий ва мажбурий тоифага ажратиб, ихтиёрий ундирувда етказилган заарарни пул, натура шаклида, муайян мулкни алмаштириш каби усуллар орқали қопланишини, мажбурий тартибда ундирувда етказилган заарарнинг қийматини қоплаш ёки айбланувчига тегишли мол-мулк ҳисобидан қоплаш амалга оширилишини таъкидлашади [9].

Кўплаб ўрганилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят натижасида етказилган заарарни ундириш билан боғлиқ изланишлар жиноят натижасида етказилган заарарнинг аҳамияти, уни тоифаларга бўлиш, заарарни ундириш давомида юзага келадиган муаммолар каби мавзуларга бағишланган бўлиб, мазкур тадқиқот ишида илгари сурилаётган ғоялар мазмунини ўзида тўлиқ ифодаламайди.

Фикримизча, жиноят процессида етказилган заарарни аниқлаш ва уни қоплаш масаласи қуидагилар сабабли аҳамиятли ҳисобланади:

Биринчидан, жиноят натижасида етказилган заарар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига салбий таъсир этиб, унинг ундирувни таъминлаш бузилган ҳуқуқларни амалда тиклаш имкониятини беради.

Иккинчидан, кўплаб тоифадаги жиноятлар бўйича шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш масаласи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига етказилган заарар миқдори ва унинг қопланганлигига қараб ҳал қилинади.

Учинчидан, етказилган заарар миқдорини тўғри аниқлаш қилмишни тўғри малакалашда аҳамиятли ҳисобланади.

Тўртинчидан, содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш юзасидан жазо меъёрини танлашда етказилган заарарнинг қопланганлиги инобатга олинади.

Бугунги кунда, жиноят натижасида етказилган заарарни натура ҳолда қоплашдан кўра кўпроқ пул шаклида ундириш амалиёти шаклланган бўлиб, бу натура товар қийматининг сунъий оширилиши ва ижро ҳаракатлари қийинлашишини олдини олиш каби мақсадларни кўзлайди. Мазмун жиҳатдан бундай ундирув ихтиёрий ундирув тоифасига кириб, реал таъминланганлиги сабабли, кўпинча, ижро босқичига “**кўп ҳам иш қолдирмайди**”.

Биргина, Қашқадарё вилоятида таҳлил қилинган 2022 йилда прокуратура органлари терговида 769 та, ички ишлар органлари терговида 2 257 та, суриштирув органларида 1 175 та **жами 4 201 та** жиноят ишлари тамомланган (бунда *ДХХ ва ҳарбий прокуратура ҳисоботлари ҳисобга олинмаган*).

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан заарар етказиш орқали содир этилган жиноятлар бўйича жами **2 117 та** (*960 таси прокуратурада, 1 019 таси ички ишлар, 138 таси суриштирув органларида*) жиноят ишлари тергов қилинган.

Юритилган жиноят ишлари бўйича **1 189 нафар** шахсларга нисбатан (*355 нафари прокуратура, 830 нафари ички ишлар органлари, 4 нафари суриштирув органларидағи жиноят ишлари бўйича*) қамоқ эҳтиёт чораси, **1 089 нафар** шахсларга нисбатан (*274 нафари прокуратура, 654 нафари ички ишлар органлари, 161 нафари суриштирув органларидағи жиноят ишлари бўйича*) гаров эҳтиёт чораси қўлланилган.

Таъкидлаш жоизки, тергов қилинган жиноят ишлари бўйича аниқланган 249,4 млрд. сўм заардан 183,1 млрд. сўми ундирилган бўлиб, **170,7 млрд. сўми ёки 93,2 фоизи** пул шаклида (**135,9 млрд. сўми прокуратура, 33,3 млрд. сўми ички ишлар тергови, 1,4 млрд. сўми суриштирув органлари даги жиноят ишлари бўйича**), **12,4 млрд. сўми ёки 6,7 фоизи** натура ҳолда амалга оширилган [11].

Амалиётда суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан жиноят натижасида етказилган зарар тўлови ушбу органларнинг тижорат банкларида очилган депозит ҳисоб рақамига ундирилади ва суднинг хукми қонуний кучга киргунга қадар сақланади. Бу ўз навбатида, айбизлик презумпцияси принципи моҳияти билан ҳам ҳамоҳанг бўлиб, зарар ундирилишида ўзига хос “**кафолат усули**” вазифасини ўтайди.

Шуни қайд этиш ўринлики, зарарни бу тартибда ундириш амалиёти Жиноят-процессуал кодексида белгиланмаган бўлиб, бу ҳам ҳуқуқий асосларни яратишни тақозо этади.

Зарарни депозит ҳисоб рақамига пул шаклида тўлаган шахслардан тижорат банки томонидан бериладиган зарар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция) талаб қилиниб, бу ҳужжат жиноят ишига қўшилади.

Бироқ, бу жараёнда йўл қўйилиши мумкин бўлган **айрим қонун бузилиши ҳолатларини** инобатга олиш лозим. Чунки, инсон омили аралашуви талаб қилинадиган ҳар қандай жараёнда суистеъмолчиликка йўл қўйиш хавфи мавжуд бўлади. Шунга ўхшаш мисол сифатида қўйидаги жиноий ҳодисани келтириш мумкин.

Қашқадарё вилояти Қамаши туманида яшовчи Ф.Н. ўзининг жиноий шериклари С.Т. ва Г.Ю.лар билан бир гуруҳга бирлашиб, 2021 йил ва 2022 йилнинг январь-февраль ойларида Қашқадарё вилояти ИИБ ЙХХБ 2-туманлараро рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимига **жами 727 нафар** фуқароларнинг номидан “автомашинани қайта рўйхатга олиш”, “имтиҳонга кириш”, “янги тоифадаги гувоҳнома олиш”, транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш”, “давлат рақами олиш”, “йўл фондини тўлаш”, “янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш” мақсадида тўланадиган “Агробанк” АТБ Қамаши филиалининг **жами 264 млн. сўмлик** тўлов патталарини қалбакилаштиришган.

Сўнгра, фуқароларни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қалбаки тўлов патталарини улар орқали ваколатли ташкилотларга тақдим этилишига эришиб, қалбаки тўлов патталаридан тушган маблағларни банкка топширмасдан, ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишлари оқибатида, жуда кўп миқдордаги маблағларнинг давлат бюджетига тушмасдан қолишига сабабчи бўлишган. Суднинг хукми билан уларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланган [10].

Бундан қўринадики, тақдим этилаётган банк ҳужжатлари ҳам реалликни таъминламайди ёки ижро босқичини қийинлаштириб қўяди. Чунки, бу жараёнда инсон омили мавжуд бўлади.

Яна бир муҳим муаммо ҳам борки, суриштирув ёки дастлабки тергов органлари томонидан жиноят натижасида етказилган зарар тўловини тўлаш учун айланувчиларга бериладиган муддат билан боғлиқ.

Амалиётда, иқтисодий соҳадаги жиноятлар бўйича қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан судларга киритилган илтимоснома бўйича айбланувчи ёки уларнинг ҳимоячиси зарар тўловини тўлаш учун суриштирув ёки дастлабки тергов органи томонидан оқилона муддат берилмаганлиги ҳақидаги важларни келтириб ўтишади.

Гарчи, терговга қадар текширув ёки дастлабки терговнинг муайян бошланиш вақти етарли муддатни ташкил қилиши мумкин бўлса-да, бироқ шахсга қўйилаётган айб моҳияти ва зарар миқдори уни айбланувчи сифатида ишга жалб этиш тўғрисида қарор чиқарилган вақтдан бошлаб аниқланади. Модомики шундай экан, муддатларни белгилаш ва рақамлаш-тириш имкониятидан фойдаланиш орқали мазкур жараённи ҳукуқий жиҳатдан тўғри тартибга солиш лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараённи соддалаштириш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, миллий ҳукуқ тизимимиизда мавжуд бўлган техник ресурсларнинг бунга “**қурби етади**”.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги “Жиноий-ҳукуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5566-сон Фармонига кўра, “**Электрон жиноий-ҳукуқий статистика**” ягона ахборот тизимини (*кейинги ўринларда Ягона ахборот тизими деб юритилади*) жорий этиш белгиланиб, ҳозирда барча суриштирув ва дастлабки тергов органларининг жиноят процессуал фаолияти натижаси шу тизим орқали шаклланиб бормоқда [4].

Ушбу Ягона ахборот тизимида:

статистик карточкаларнинг электрон шаклларини тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида **жалб этилган иштирокчилар бўйича маълу-мотларнинг ягона ҳисобини юритиш**;

прокуратура, суд ва бошқа давлат органлари ўртасида дастлабки тергов ва суриштирув органларининг электрон маълумот алмашув шаклини, шу жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини **интеграция** қилиш йўли билан жорий этиш;

жиноий-ҳукуқий статистикани юритиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва уни шакллантириш жараёнида **инсон омилини истисно** этиш белгиланган.

Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг бухгалтерия хизматларида эса, депозит ҳисоб рақамга келиб тушган маблағларни онлайн кўриб туриш имконияти мавжуд.

Мазкур дастурий имкониятлардан фойдаланиш эса, фуқаролардан **ортиқча ҳужжатларни талаб қилишга** чек қўйиши билан бирга, жараённи шаффофлаштиришга, **ортиқча вақт сарфини камайтиришга**, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада самарали таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Соҳада ўтказилган изланишлар ва мавжуд техник имкониятлар таҳлили асосида жиноят натижасида етказилган зарар ундируви жараённи рақамлаштиришни қуйидаги босқичларда амалга ошириш орқали жараённи янада соддалаштириш имкониятини яратиш мумкин:

Биринчи босқичда, Ягона ахборот тизими жиноят иши ўз юритуvida бўлган суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан айбловга доир маълумотлар билан бирга жиноят натижасида **етказилган зарар миқдорига** оид маълумотлар киритилади ва алоҳида саҳифада электрон акс эттирилади (*айблов ўзгартирилган ёки тўлдирилган тақдирда, маълумотлар таҳирланади*).

Иккинчи босқичда, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан айбланувчи, фуқаровий жавобгарга ахборот тизими орқали жиноят иши рақами, суриштирув, дастлабки тергов ёки суд органининг депозит ҳисоб рақами ва тўланиши лозим бўлган зарар тўлови миқдори акс этган **QR-кодли маълумотнома** чиқарилиб, имзо қўйдириб топширилади (*имзоланган нусхаси жиноят ишига қўшиб қўйилади*).

Учинчи босқичда, банк орқали суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб рақамига тўлов қилиниб, тўланган маблағга оид маълумотлар суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг бухгалтерияси электрон дастурида реал вақт режимида **жиноят иши рақами билан** бирга акс этади.

Тўртинчи босқичда, суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг бухгалтерияси маъсул ходими таъсирига **қўпи билан 24 соат ичидаги** Ягона ахборот тизими жиноят натижасида етказилган зарар тўловига оид маълумотларни киритиш мажбурияти юклатилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, учинчи ва тўртинчи босқичда назарда тутилган таомилларни суриштирув ва дастлабки тергов органига хизмат кўрсатаётган тижорат банкига Ягона ахборот тизимидан чекланган тарзда фойдаланиш, яъни зарар тўланганлигига оид маълумотларни реал вақт режимида онлайн шакллантириш имконини берган ҳолда янада қисқартириш мумкин. Бу орқали, инсон омилини янада чеклаш имконияти яратилади. Албатта, бу электрон тизим ҳимоясининг таъминланишига боғлиқ.

Бешинчи босқичда, етказилган зарар бўйича тўланган маблағлар ҳақидаги **QR-кодли тўлов қофози** суриштирувчи ёки терговчи томонидан Ягона ахборот тизими орқали олинниб, жиноят иши хужжатларига қўшилади.

Фикримизча, бу орқали фуқаролардан ортиқча хужжат талаб қилишга чек қўйиш билан бирга, турли суистеъмолчилик, сохтакорлик каби ҳолатларнинг ҳам олди олинади.

Шу билан бирга, тўланиши лозим бўлган зарар тўлови миқдори акс этган QR-кодли маълумотномани имзо қўйдириб топшириш орқали айбланувчиларга зарарни қоплаш бўйича муайян муддат берилади, эҳтиёт чора қўллаш масаласини ҳал қилишда ҳам суд томонидан суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан яратиб берилган имкониятлар ҳисобга олинади, айбланувчиларнинг зарарни тўлашга оқилона вақт берилмаганлиги ҳақидаги иддаоларига чек қўйилади – бир сўз билан айтганда, **жараён рақамлаштирилади**.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасига оид рақамлар ҳам бекорга келтирилгани йўқ. Зарар борасида илгари сурилаётган ушбу таклифни гаров эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида ҳам амалга ошириш мумкин.

Юқоридаги фикр ва муроҳазалардан келиб чиққан ҳолда, қуидаги қонунчилик хужжатлари нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш **таклиф этилади**:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 281-моддасини қуидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш:

“Суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарга жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш учун оқилона муддат берилиши лозим”.

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини қуидаги мазмундаги 282¹-модда билан тўлдириш:

“282¹-модда. Жиноят натижасида етказилган зарарни пул шаклида ундириш тартиби

Жиноят натижасида етказилган зарап айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгар томонидан пул шаклида қопланганда, маблағлар суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг банкда очилган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарга электрон ахборот тизими орқали жиноят натижасида қопланиши лозим бўлган зарап ҳақидаги QR-кодли маълумотнома тақдим этилади.

Суриштирув, дастлабки тергов органи ёки судда жиноят натижасида етказилган зарап қопланганлигига оид ҳужжатлар банк томонидан электрон ахборот тизимида шакллантирилган маълумотлар орқали электрон тарзда қабул қилинади ҳамда жиноят ишига қўшиб қўйилади.

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 370-моддаси 2-қисмини қуидаги таҳрирда баён этиш:

“Дастлабки тергов тўхтатилгандан кейин ва у қайта тиклангунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказилишига йўл қўйилмайди, жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш мақсадида ўтказилиши лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатлар бундан мустасно”.

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги “Жиноий-хукуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5566-сон Фармонининг 3-бандини қуидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши билан тўлдириш ва бешинчи хатбошини тегишинча олтинчи хатбоши деб ҳисоблаш:**

“жиноят натижасида етказилган ва қопланган зарап ҳақидаги маълумотлар суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар ўртасидаги электрон ахборот алмашинуви бўйича олинган маълумотлар асосида Ягона ахборот тизимида акс эттирилади”.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш тартибига замонавий ахборот-технологияларининг жорий этилиши, нафақат фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга, балки суриштирув ва дастлабки тергов органларига қулайлик яратилишига, жараёнда **инсон омилини истисно этадиган**, жиноят ишида айбланувчи шахсга зарарни тўлаш билан боғлиқ муайян имкониятлар тақдим этадиган, турли суюистеъмолчилик ва бошқа қонун

бузилиши ҳолатларини олдини оладиган шафдоф ҳуқуқий механизмни жорий этишга ўз ҳиссасини қўшади.

Adabiyotlar/Literatura/References:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5566-сон Фармони;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идораларо электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарори (*Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 07/22/105/0079-сон; 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон*);
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарори;
8. А.И.Ибрагимова. Особенности процесса возмещения вреда, причинённого преступлением. (<https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-protsessa-vozmescheniya-vreda-prichinyonnogo-prestupleniem>);
9. А.А.Данилев, О.В.Петрова. Правовое регулирование возмещения вреда причиненного незаконными действиями органа ведущего уголовный процесс;
10. Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича Қамаши тумани судининг 07.09.2022 йилдаги ҳукми;
11. Қашқадарё вилоятида Суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятига доир асосий кўрсаткичлар (1-Я шакл). 2022 йил январь-декабрь;
<https://youtu.be/hkoA7i0Wpn0>.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масьулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).